

Ангрен шаҳридаги кўмир кони-нинг тўққизинчи шахтаси коллективи 1971 йилнинг етти ойлик планини ортиғи билан бажарди. Планга қўшимча бир неча минг тонна кўмир қазиб олинди. Суратларда: шу шахтанинг ишчиси А. Ҳайитов (чапдаги сурат) ва И. Ҳакимов, Ю. Стрельников. К. Абдураимовларни кўриб турибсиз. Уларнинг ҳар бири сменада 14-15 тоннадан кўмир қазиб, коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.



КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

# СЕКРЕТАРЬ

Мажлис чўзилиб кетди. Файзулла ака одамларни кузатиб, кўчага чиққанида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Куни билан саратон қуёши чўғга айлантирган кўчалар жимжит. Трамвайларда ҳам одамлар сийрак. Худди кундузгидек ёруғ кўчанинг ўртасида битта-битта босиб милиционер юрибди. Чироқларнинг акси машина сув сепиб ўтган асфальт юзида жилоланади.

Файзулла ака трамвайга ҳам ўтирмай, япроқлари илиқ шабадада титраб турган тераклар тагидан юриб кетди. У ҳамон ҳозиргина тугаган йиғилиш таъсирида эди, шуни ўйларди. Сергейнинг жовдираб турган кўзлари, соқоли ўсиб кетган рангпар чеҳрасини кўз олдига келтирди. Келтирди-ю, юрагининг аллақаери зирқираб кетди. Йигитга ачиниш ҳисси бутун қалбини қамраб олди. Эҳ, Сергей, Сергей... Қандай йигит эди. Қуриб кетгур манманлик шундай олов йигитни ҳам издан чиқарди-я. Афсус, минг афсус.

Файзулла ака Сергейни ножўя йўлдан қайтариш учун нималар қилмади дейсиз? Яхши гапирди, ёмон гапирди, насиҳат қилди—бўлмади. Ёш бола эмасман, ўзим биламан деди, билганидан қолмади. Шундан сўнг цех партия ташкилотида коммунистлар муҳокама қилишди уни. Йиғилишга ҳам ичиб келибди. Охири партия комитети цех ташкилоти қарорини тасдиқлаб, маъмуриятга Сергей Ильинни ишдан бўшатишни тавсия қилишга мажбур бўлди.

Сергей Ильин гулдай ҳунарли йигит эди. Меҳнатсевар, хушфеъл бу йигитни коллектив жуда севиб қолди. У аста-секин хизмат лавозими пиллапоясидан кўтарила бошлади. Аввал бригадир, сўнг жиҳозлаш цехига бошлиқ бўлди. Жуда катта маблағ ва давлат буюмлари унга ишониб топширилди. Одамлар Сергейни ҳурмат қилишди, қўллаб-қувватлашди. Аммо юқори кўтарилгани сари унинг кибри-ҳавоси ҳам ошиб борарди. Одамларнинг ҳурматини худди шундай бўлиши лозимдек қабул қиларди. Ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйди, ичкиликка берилди. Уйда ҳам, ишда ҳам, кўча-кўйда ҳам маст-аласт юрадиган одат чиқарди. Маъмурият унга нисбатан чора кўришга, цех бошлиғи вазифасидан четлаштириб, бригадирликка тайинлашга мажбур бўлди. Бу ҳам фойда бермади. Охири унинг масаласи коммунистлар муҳокамасига киритилди...

— Кечиринглар, ҳамма-ҳамма хатойимга тушундим, — деди у парда қоплагандек хиралашган кўзларини зўр-базўр ердан узиб, илтижо билан дўстларига тикилди. Киприкларида ёш халқаланди, томоғига муштдек алланарса қадалгандай бўлди. У ўзининг нақадар тубанликка тушиб кетганига шу топдагина тушуниб етган эди. Аммо ғишт қолипдан кўчган эди. Коммунистлар ҳукми қатъийлигини сезиб «қилт» этиб ютинди-да, нигоҳини яна ерга қадади.

Файзулла ака йигитнинг жовдираб турган кўзларига кўзи тушганида юраги эзилиб кетди. Ўтирган еридан йиғилиш қатнашчиларига бирма-бир қараб чиқди-да, Сергейни ёқлаб чиқиш бутунлай бефойдалигини тушунди. Чунки Сергей уларнинг ишончини, бутун бир коллективнинг ишончини топтаган, оёқ-ости қилган, коммунист деган улуғ номга доғ туширган эди. Коллектив эса бундай кишиларни сира-сира кечирмайди...

Муюлишдан трамвай ғийқиллаб ўтиб кетди. Унинг ёйидан чақнаган кўкимтир ёлқин юлдуз тўла осмонни бир зумгина ёритди-да, сўнг тун бағрига сингиб кетди. Қаердадир тепловоз қичқирди. Қайдан келаётганикин? Олис чўллар, довонлар, тоғ тоннелларидан ўтиб келаётган бу карвон азим шаҳарга етдим, деб қичқираяпти. Унинг қичқириши гўё, эй азамат шаҳар, сенинг бағрингга жамолингни соғинган фарзандларингни олиб келаяпман, деяётганга ўхшарди. Тепловознинг қичқириғи Файзулла аканинг хаёлини яна олиб қочди.

...Сергейнинг фожиаси коллектив учун жуда оғир фожиа эди. Хирургнинг наштари давосиз оғир дарддан киши организмини халос қилгандай, партком ва маъмурият ҳам Сергей Ильинга нисбатан ана шундай сўнгги чорани кўришга мажбур бўлди. Энди коллектив ўртасида бундай ножўя хатти-ҳаракатнинг бўлмаслиги учун курашиш керак. Бўлмайди ҳам. Бунга Файзулла аканинг ишончи комил. Чунки депо партия ташкилоти кейинги вақтда анча ўсди, обрў-эътибор қозонди.

Коммунистлар ташкилотининг коллектив ўртасидаги обрўси кун сайин ошиб бораётганини кўриб, Файзулла ака ниҳоятда ғурурланарди. Чунки кўпдан бери у ўз сафида 460 коммунистни бирлаштирган шу катта ташкилотга дарғалик қилаяпти. Ташкилотнинг барча ютуқ ва камчиликларини ўзининг ютуқ ва камчиликлари деб билади. Кун демай, тун демай мана шу коллектив учун, жондан азиз кўрган одамлари учун жон куйдиради. Фақатгина бутун умрини, келажагини коллектив билан, партия иши билан боғлаган кишигина ана шундай фахрли ва машаққатли ишга қўл ура олади.

Айниқса, КПСС XXIV съездидан сўнг 2-вагон депоси партия комитетининг обрўси яна ҳам ошиб кетди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, кишиларда ғоявий эътиқод, меҳнатсеварлик, юксак маънавий фазилатлар сингари энг яхши хислатларни тарбиялаб вояга етказиш, ташкилотчилик, сиёсий ва ғоявий тарбиялаш ишлари — хуллас коллектив ҳаёти билан боғланган барча юмушлар партия ташкилоти бажараётган кундалик вазифа бўлиб қолди.

2-вагон депоси илгари Тошкент темир йўл бўлимининг энг қолоқ участкаларидан бири эди. Айниқса кадрлар билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли, ишда қўнимсизлик авж олиб кетганди. Депода шахсий бойлик орттиришни мақсад қилиб олган таъмагир, чайқовчи вагон проводниклари ҳам бор эди. Партия комитети бундай аҳволга чек қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Маъмурият фаолиятини қаттиқ назорат қила бошлади. Шу хусусда ҳатто Файзулла ака билан депо бошлиғи Анвар ака Усмонов ўртасида аччиқ-араз гаплар ҳам бўлиб ўтди. Аммо парткомнинг кадрлар масаласидаги фаолияти қандай натижалар бераётганини кўриб, энди Анвар Усмонов ҳам маслаҳат сўраб партия комитетига тез-тез мурожаат қиладиган, шунга қараб иш тутадиган бўлиб қолди.

— Кадрлар масаласини тўла ҳал қилиш учун дастлаб кадрлар бўлимининг ишини яхшилаш керак, — деди А. Усмонов парткомнинг навбатдаги мажлисида. — Бўлим бошлиғи лавозимига— мен Михаил Склярни тавсия этаман. Аммо у ҳозир муз заводининг директори. Суҳбатлашдим. Бизга келишга рози бўлмаяпти.

Файзулла ака Зокиров Склярни яхши танирди. У аввал депо кадрлар бўлимида иш бошлаган сўнг каттагина корхонага директор этиб тайинланган эди. 22 йилдан бери партия аъзоси бўлган бу кекса ходимнинг партия ташкилоти таклифини сира ҳам рад қилмаслигини Файзулла ака биларди. Шу сабабли эртасигаёқ Скляр билан учрашиб, кадрлар бўлимини изга тушириб юборишга ёрдам беришни илтимос қилди. Партком тавсияси билан маъмурият Ўрта Осиё темир йўллар бошқармасининг катта инженери Иван Саломатинни ҳам проводниклар резерви бошлиғи этиб тайинлади. Тажрибали коммунистлар иш боши бўлгач, депода ҳукм сурган турли хил тартибсизликлар барҳам топди. Таъмагир ва чайқовчи проводниклар ўрнига ўрта маълумотли ёш кадрлар келди. Депо Тошкент темир йўл бўлимининг энг ҳамжиҳат, намунали участкасига айланди. Ҳамма жойда ишчанлик ва ўртоқлик вазиятини вужудга келтириш, одамларга ҳурмат ва ишонч билан қараш, топширилган иш учун кадрларнинг шахсий масъулиятини ошириш уларни ҳамма ва ҳар бир киши учун мажбурий бўлган социалистик интизом руҳида тарбиялаш — депо партия ташкилоти эришаётган ютуқларнинг калиди бўлиб қолди.

Эндиликда депода бешта цех партия ташкилоти бор. Асосий партиявий иш маркази ишнинг муваффақияти ҳал этилаётган цех партия ташкилотлари зиммасига кўчирилгач, бошланғич ташкилотлар ишини қайта ташкил этиш лозим бўлиб қолди. Партия Комитети шу хусусда Вали Муродхонов секретарлик қилаётган бошланғич ташкилот ташаббусини қувватлади. Бу ташкилот коммунистлари йиғилишда ҳар бир поездда партия группалари ташкил этиш ва ҳар бир группага учтадан коммунистни биркитиш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан эдилар. Партия комитетида депо бўйича 46 та партия группаси тузилди. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II Пленуми қарорлари муҳокама қилинган партия йиғилишида Рустам Муҳаммаджонов, Аюб Ҳакимовлар ташкилотчилик қилаётган группаларнинг иши энг яхши деб топилди. Бу группаларга биркитилган коммунистлар сафар чоғида ҳам ўз сиёсий билимларини тинмай оширадилар, проводниклар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб борадилар. Йўловчилар уларнинг хизматидан жуда ҳурсанд. Ўтказилган текширишда мана шу поездлардаги кекса ва тажрибали проводникларга биркитиб қўйилган ёш кадрларнинг ҳам ўз устларида тинмай ишлаётганликлари қайд этилди.

Ҳа, 2-вагон депоси коммунистлари жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Ютуқлар кўп. Аммо олдинда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Партия комитетининг секретари Файзулла ака Зокиров мана шулар ҳақида ўйлаб борарди, келгуси кунлар режасини тузиб борарди. Секретарнинг бутун хаёли вужуди келгуси ишлар билан банд эди.

Р. ТУРСУНОВ.

НОТ — ИШЧИГА ҚАНОТ

# ИЖОД ЧАШМАСИ

Бу бошқармада меҳнатни илмий асосда ташкил қилишда яхшигина ютуқлар қўлга киритилган. Буни бутун коллектив аъзоларининг ижодий меҳнати десак арзийди. Чунки меҳнатни ташкил этишда бу ерда ҳар бир кишининг ўзига яраша салмоқли ҳиссаси бор.

Бу ҳақда «Ферганасантехгазмонтаж» тресги Фарғона «Сантехгазмонтаж» бошқармасининг слесари Григорий Илюшин шундай деди:

— Илгарилари бу соҳада қилинадиган ишларни фақат айрим кишиларнинг вазифаси деб ўйлардик. Биз аралашмасдик. Натижада ишларнинг якуни кўнгилдагидек бўлмасди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш юзасидан арзимас ишлар амалга оширди, холос.

— Григорий жуда тўғри айтди, — дея гапга аралашди шу бошқарма бошланғич партия ташкилотининг секретари Иван Иванович Катасонов, — меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳозирги кунда барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолди. Ҳар қалай биз анчадан бери ишимизнинг «нозик» жойи ҳисобланган бир қанча иш жараёнларини енгиллаштиришга муваффақ бўлдик.

Мен партком секретарини илгари бир марта қурилаётган янги цехларнинг бирида кўргандим. Ўшанда бу киши бошқарманинг бош инженери Николай Дмитриевич Фоменконинг ташаббуси билан ташкил этилган ижодий бригаданинг бошлиғи эди. Эсимда, ижодий бригада аъзолари радиатор цехидаги янги конвейерни монтаж қилаётганларида бригаданинг ҳар бир ишчиси иш жараёнида ўз таклиф-мулоҳазасини дарҳол ўртага ташлар, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш учун зўр иштиёқ билан ишлаётганликлари сезилиб турарди.

Шу кунга қадар бу ижодий бригада ишчилари муаммо бўлиб келган кўпгина масалаларни ҳал қилдилар Фикримизнинг далили учун республикамиз ва қардош республикалардан келган мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган ишларнинг бири билан таништириш мумкин.

Бошқарма қошида сантехника ускуналарини монтаж қилишда зарур бўлган қисмларни тайёрловчи бир неча тажриба цехлари бор. Шулардан бири — иситиш радиаторларини йиғувчи ва синовчи цехидаги ишлар алғов-далғов эди. Чунки иш жараёнлари нотўғри ташкил этилган, кўп ишлар қўлда бажарилар эди. Цехдаги бесаранжомликдан ишчилар бир-бирига халақит берар ва кўпгина бекорчи ва ортиқча ишларни қилишга мажбур эдилар. Маҳсулотнинг сифати талабга тўлиқ жавоб бермасди.

Бошқарманинг ишчи ва инженер-техник ходимлари Тошкентдаги «Оргмонтажспецстрой» институтининг мутахассислари билан ҳамкорликда цехдаги барча иш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб чиқдилар. Натижада бефойда, мутлақо кераксиз ҳаракатлар ва унга сабабчи бўлган омилларни аниқладилар.

Таҳлил шуни кўрсатдики, иш кунининг учдан бир қисми ёрдамчи майда-чуйда ишларга сарф бўлар экан.

Коллективнинг кўп ойлар давом этган ижодий изланишларидан сўнг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди.

Белгиланган тадбирлар амалга оширилганда натижаси кутилганидан аъло бўлди. Цехдаги барча станоклар рационал равишда қайта жойлаштирилди. Иситиш радиаторларини иш жойига етказиб бериш ва станокларга кўтариб қўйиш каби тинкани қуритадиган оғир ишлар механизациялаштирилди. Ишдаги нари-бери беҳуда юришларга чек қўйилди. Ҳамма ишлар узлуксиз, конвейер усулида бажариладиган бўлди.

Амалга оширилган шу тадбирлар йилига 21300 сўмлик маблағни тежаб қолиш имкониятини берди. Меҳнат унумдорлиги 54,7 процент ошди Чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилишдаги энг муҳим масалалардан бири — саноат эстетикасидир. Шунинг учун ижодий коллектив бу соҳага ҳам етарли аҳамият берса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Цехнинг деворлари, поли ва барча станоклари ранг-баранг, кишига завқ-завқ бағишловчи рангларга бўялса, у меҳнат унумдорлигини кескин оширишга таъсир кўрсатиши сир эмас .Шунда меҳнат унумдорлигини яна 15-20 процентга ошириш мумкин бўлади.

Абдуқосим АЙТБОЕВ,
инженер.

## ЭНЕРГЕТИКА БЛОКИНИ ТЎХТАТМАЙ...

Бундан буён истеъмолчига электр энергия беришни тўхтатмай туриб иссиқлик электр станцияси энергетика блоки бошқарувчи аппаратларнинг қанчалик тўғри ишлашини текшириб кўриш мумкин. Бутуниттифоқ релесозлик илмий-тадқиқот институти Тошкент бўлимининг Москвадаги «Теплоэнергопроект» институти билан ҳамкорликда яратган шчит қурилмалари комплекти ана шу ишни бажариш имконини беради.

(ЎзТАГ).

# ТАСС БАЁНОТИ

Судандан коммунистлар ва бошқа Судан ватанпарварлари оммавий суратда қамоққа олинаётганлигини билдирувчи ташвишли хабарлар келиб турибди. Коммунистларни ва бошқа демократларни ялписига 19 июль ҳаракатига дахлдорликда айблаб қўлга олиш ва қамаш мақсадида ҳамма жойда облавалар ва тинтувлар ўтказилмоқда.

Ватанпарварлардан ўч олиш учун тузилган ҳарбий трибуналлар мутлақо гуноҳсиз юзлаб кишилар устидан шафқатсиз ҳукмлар чиқармоқда. Бир қанча коммунистлар ва бошқа ватанпарварлар ўлим жазосига ҳукм қилинди, қатл этиш тўғрисидаги айрим ҳукмлар ижро этилди.

Судан халқининг империализм ва реакцияга қарши, Судан озодлиги ва мустақиллиги учун садоқат билан курашган юзлаб қаҳрамон фарзандлари ҳаёти хавф остида қолди. Улар орасида халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг таниқли арбоби, Судан Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Абдул Холиқ Маҳжуб бор. Судан ишчи касаба союзлари федерациясининг Бош секретари, Жаҳон касаба союзлари федерацияси раисининг муовини, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Шафиа Аҳмад Аш Шайх қатл этилди. Мамлакат ватанпарларидан ўч олиш билан бирга Судан матбуоти саҳифаларида, радио ва телевидение орқали ашаддий антикоммунистик компания олиб бормоқда.

Судан Коммунистик партияси Суданда империалистик ҳукмронликка қарши, мамлакатнинг миллий озодлиги учун изчил ва murosasiz курашчи эканлигини исбот қилди. Судан Компартияси Суданнинг мустақилликка эришишида ва уни суверен республика деб эълон қилишда муҳим роль ўйнаган Судан озодлиги учун кураш бирлашган фронтининг актив қатнашчиси бўлди. Кейинги йилларда судан коммунистлари мамлакатнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни социал тараққиёт йўлидан ривожлантириш учун муттасил курашиб келдилар. Улар мамлакатнинг олға томон қилаётган ривожини орқага буриб юборишга уринган кучларни қатъият билан фош қилиб келдилар.

Ҳамиша чуқур ватанпарварлик позицияларида туриб келган коммунистларга қарши репрессиялар кенг компанияси Суданда эълон қилинган демократия ва социал тараққиёт принципларига мутлақо зиддир.

Суданда қонли террор бошланганлигини ва антикоммунизм жазаваси авж олдирилганини бутун дунёдаги империалистик ва реакцион доиралар маъқуллаб кутиб олдилар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки қандай баҳона билан бўлмасин антикоммунизм позицияларида туриб қилинган ҳар қандай ҳаракат мамлакатнинг ҳамма чин демократик ва ватанпарвар кучларига зарба беради, реакция ишига хизмат қилади, империализм билан реакцияга қарши курашдаги миллий сафлар бирлигини заифлаштиради.

Дўст Судан халқига ғоят хайрихоҳ бўлган барча совет кишилари Судандаги воқеаларнинг ривожини ташвишланиб кузатиб турибдилар. Улар жаҳон прогрессив жамоатчилиги билан биргаликда шунга умид қиладиларки, Судан раҳбарлари ўзлари мамлакатни тойдириб юбораётган йўлнинг хавфли эканлигини, рўй берган вазият Судан Миллий Демократик Революциясининг тақдири учун ҳам хавфли эканлигини тушуниб оладилар ва барча миллий ватанпарвар кучлар бирлигини мустаҳкамлаш йўлини давом эттириш учун ўзларида куч топа оладилар. Ана шу йўлгина империализм ва реакцияга қарши, Судан Демократик Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, унинг социал тараққиёти учун курашда муваффақиятни таъминлаб беради.

# ҲИНДИ-ХИТОЙДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг ҳамма қисмида традицион бўлиб қолган Совет — Вьетнам дўстлиги ва Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши кураши билан бирдамлик ойлиги ўтказилмоқда. Совет кишилари ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, тинчлик учун мардона жанг қилаётган қардош Вьетнам халқини, Камбоджа ва Лаос ватанпарварларини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

АҚШ империализми ўн йилдан буён Вьетнамга қарши босқинчилик уруши олиб бормоқда ва бу урушни Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларга — Лаос ва Камбоджа тупроғига ҳам кўчирди. Вьетнамлик, лаослик ва камбоджаликлардан бир миллиондан ортиқ киши ўлдирилди, неча миллионлаб киши ярадор ва майиб-мажруҳ қилинди, минг-минглаб шаҳар ва қишлоқлар култепага айлантирилди. Агрессор ёвузликларининг тўла бўлмаган рўйхати ана шундай.

Қўшма Штатлар Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг суверен ҳуқуқларини сурбетларча поймол этиб, энг йирик империалистик давлатнинг босқинчилигини кескин қоралаётган жаҳон жамоатчилиги фикрини назар-писанд қилмай, Ҳинди-Хитойда ўзининг авантюристик йўлини қайсарлик билан давом эттирмоқда. Вашингтон кейинги вақтларда амалга ошириш учун зўр бериб уринаётган «Никсон доктринаси» ва «Вьетнамлаштириш» сиёсати ҳам агрессив ва реакцион мақсадларни кўзда тутади.

Аммо Америка империализмининг планлари барбод бўлмоқда. Вьетнам халқининг, Лаос ва Камбоджа ватанпарварларининг қаҳрамонона кураши Вашингтоннинг Ҳинди-Хитойни АҚШнинг ҳарбий-стратегия ва сиёсий базасига айлантириш йўлидаги ҳамма уринишларини чиппакка чиқариб қўйди. Америка империализми бундан ўн йил илгари Вьетнамда ўзининг босқинчилик урушини кучайтириш йўлида биринчи қадамларни қўйган чоқда, бўлганидек ҳозирда ҳам ўзининг қора ниятларини амалга оширолмаяпти. Ҳинди-Хитойдаги жиноий авантюраси билан шармандаи-шармисор бўлган АҚШ ҳозир ҳар қачонгидан кўпроқ яккаланиб қолди. Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам Вашингтондаги ҳукмрон доираларининг агрессив сиёсатига қарши кескин ҳаракат кучайиб бормоқда.

Социализм мамлакатлари, барча тинчликсевар ва демократик кучлар, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари ўз тақдирини ўзи ҳал этишдан иборат қонуний ҳуқуқни бемалол амалга ошира олишлари учун АҚШдан Ҳинди-Хитойдаги агрессияни тўхтатишни, Америка қўшинларини олиб чиқиб кетишни қатъий талаб этмоқдалар.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати, Камбоджа Миллий бирлик фронти ва Лаос ватанпарварлар фронти масалани сиёсий жиҳатдан ҳал этиш программасини илгари сурдилар. Ҳаммага аён бўлиб қолган бу программалар тинчликни тезроқ тиклаш йўлини очиб беради ва Ҳинди-Хитой проблемасини ҳал этиш учун амалий асос бўла олади.

Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати 1 июлда етти моддадан иборат ижобий программани илгари суриб, тинчликсеварлик йўлида янги ташаббус кўрсатди. Ана шу моддалар Қўшма Штатларнинг 1971 йилда Жанубий Вьетнамдан АҚШ ва унинг «иттифоқчилари» қуролли кучларини олиб чиқиб кетиш муддатларини белгилашни уруш давомида ҳамма томонларнинг асир олинган ҳарбий хизматчилари ва граждан шахсларни озод қилишни, шунингдек АҚШнинг Сайгондаги қўғирчоқ маъмуриятни қўллаб-қувватлашдан воз кечишини, Жанубий Вьетнамда кенг миллий бирлик ҳукумати тузиш ва эркин демократик сайлов ўтказишни кўзда тутади. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг янги ташаббуси мамлакатда ва чет элларда кенг кўламда қўллаб-қувватланди.

Ҳинди-Хитой халқларининг ҳарбий, сиёсий ва дипломатик фронтларда эришган муваффақиятлари Вашингтонни оғир аҳволга солиб қўйди. Лекин шунга қарамай, Қўшма Штатларнинг ҳукмрон доиралари Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг тинчликсеварлик таклифларига зид йўл тутдилар ва сийқаси чиқиб қолган агрессив йўлни давом эттирмоқдалар, Ҳинди-Хитойда «Никсон доктринаси» ниқоби остида уруш ҳаракатларини кучайтирмоқдалар. Айни вақтда улар халқаро жамоатчилик фикрини чалғитиш, империалистларнинг талончилигига қарши халқлар қаҳр-ғазабини заифлаштиришга уринмоқдалар ва Вьетнамнинг ҳозирги ҳаёти ҳамда келажагига доир масалаларни Вьетнам халқининг иштирокисиз ва уни бир четга суриб қўйиб, ташқи сиёсат соҳасида турли-туман лўттибозлик ва найранг ишлатиш йўли билан ҳал этмоқчи бўладилар. Лекин уларнинг уринишлари беҳудадир.

Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг Марказий Комитетининг органи «Нян Зан» газетаси таъкидлаб ўтганидек, «Никсон доктринаси», «АҚШ империализмининг жаҳон миқёсидаги контрреволюцион стратегиясидан иборат. Бу стратегия Қўшма Штатларнинг уруш олиб бориш воситалари ва қуролли кучларига таянишни, ҳар бир районда контрреволюцион кучлар иттифоқини вужудга келтиришни, социалистик мамлакатлар орасига нифоқ солишни, аҳолининг бир қисмини ўз томонига ўтказиб олиб, бошқа қисмига қарши гиж-гижлатишни кўзда тутади.

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг органи «Зяй Фонг» газетаси ҳам яқинда босиб чиқарилган редакцион мақоласида қуйидагиларни таъкидлади: Вашингтон Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг таклифларига жиддий жавоб беришдан бўйин товлаб, айни вақтда «ўзи қўйган шартлар асосида проблемани ҳал этишга рози бўлиш учун Вьетнамни мажбур этишга умид боғлаб, дипломатия соҳасида хоинона ишларини кучайтирмоқда». «Вьетнам халқининг ва Ҳинди-Хитой халқларининг темир иродасини, — деб ёзади «Зяй Фонг» газетаси мақоланинг охирида, — ҳеч нарса бука олмайди».

Америка империализмининг макрли сиёсий найранглари, шунингдек унинг Ҳинди-Хитойда агрессияни давом эттиришдан иборат авантюристик йўли муқаррар мағлубиятга учрайди.

Қўшма Штатлар учун бехатар ва матлуб нажот йўли аввалгидек ҳозир ҳам очиқдир. Бу йўл — агрессияни ҳеч сўзсиз тўхтатиш йўлидир. Ҳинди-Хитой халқлари Америка империализмининг агрессияси, дўқ ва таҳдидлари қақшатғич зарбага учрайди, деб қатъий айтмоқдалар.

Вьетнам халқи, Камбоджа ва Лаос ватанпарварлари ўзларининг ҳаққоний курашида ёлғиз эмаслар. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати, барча тинчликсевар ва демократик кучлар уларга қатъий ёрдам ва мадад бериб турибдилар. Ҳинди-Хитой халқларининг курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш борасида империализмга қарши барча курашчиларнинг ҳаракат бирлигини ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш — ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси пролетар интернационализми принципларини изчиллик билан амалга ошира бориб, Ҳинди-Хитой халқларининг ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаш йўлида барча тараққийпарвар кучларни шу тариқа жипслаштиришнинг қатъий тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. КПСС XXIV съезди партиямизнинг ва халқимизнинг Вьетнам, Камбоджа ва Лаос ватанпарварлари мустақиллик ва озодлик учун олиб бораётган курашида бундан буён ҳам уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришга қатъий бел боғлаганлигини янада зўр куч билан таъкидлади.

Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг ҳаққоний иши тантана қилади!

(«ПРАВДА»нинг 27 июлдаги бош мақоласи).

